

## Қонунлар моҳияти фаол ўрганилмоқда

04.12.2019

АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан банк тизимидаги ходимлар учун туркум семинарлар ўтказилмоқда. Уларда яқинда қабул қилинган янги таҳрирдаги “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги, “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги Қонунлар мазмун-моҳияти ва уларнинг ижросини таъминлаш бўйича тушунтиришлар ҳамда услубий тавсиялар берилмоқда. Ҳозиргача бундай семинарларда 500 нафардан ортиқ ходим иштироки таъминланди.



Ўқувлар давомида Ўзбекистон банк-молия секторидаги ислохотлар тобора чуқурлашиб бораётгани, янги таҳрирдаги қонунларнинг қабул қилиниши моҳиятан республика банк тизимида янгича муносабатларни қарор топтиришга қаратилгани қайд этилмоқда.



Мазкур қонунларнинг ижросида хуудларда аҳоли ва мижозлар билан иш олиб борадиган банк филиаллари ходимлари муҳим ўрин тутади. Қонунлар билан татбиқ қилинаётган янгилик ва ўзгаришларни, энг аввало, банк ходимлари англаб етиши лозим. Шу боисдан семинарларда қонунларнинг ҳар бир моддаси бўйича батафсил тушунтиришлар берилмоқда.



Бундай туркумдаги семинарлар орқали 2019 йилнинг 20 декабргача “Қишлоқ қурилиш банк” тизимида ишловчи барча ходимлар қамраб олиниши режалаштирилган.

**Банк ахборот хизмати**

<http://qishloqqurilishbank.uz/uz/ads/4241/>

© 2020 © Qishloq Qurilish Bank